

12 -сонли шартнома
Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 10 » январ 2021 йил.

Ушбу шартнома "Самарканд суви таъминоти" МЧЖ Бундуғур туман бўлими, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи бошлиғи _____

(Ф.И.Ш.)
шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Бундуғур туман 2-сон касб хуқуқ мактаби
Низоми асосида иш олиб борувчи (директор) Мамадиқорова Н
(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2021 йил учун суви етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан бўён матинда II гуруҳ истеъмолчилари деб юритилади) учун суви етказиш _____ нарх бўйича _____ м³ ни:
1 м³ ичимлик суви учун _____ сўм (+КҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ) ни ташкил қилмоқда
1 м³ оқова суви учун _____ сўм (+КҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ)
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 4 500 000 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблағларидан тўрт миллион беш юз суви сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан _____ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ғазначилиги орқали суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни О'зДСт 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, суви қувурлари тариф қийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган суви таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда Самарканд вилояти ҳокимининг 2019 йил 03-апрелдаги №123-К сонли қарорига, мувофиқ тарифга, 1 м³ суви учун 50 сўм, 1 м³ оқова суви хизмати учун 50 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал суви етказиб бериш ва оқова суви чиқариш тизимига уланиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва суви тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нуҳасини тақдим қилади. "Таъминотчи"ни ўз вақтида суви ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари суви сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автоматизацияларни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Суви таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал суви таъминоти тизимларидан етказиб берилди.

2.3. Асосий истеъмолчининг тарморқларидан суви олиб, оқова сувларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар суви таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва суви ўлчаш тармоғи суви-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминлангани лозим. Шунингдек ичимлик суви ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилди.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган суви ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал суви истеъмоли ва минимал суви истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда суви истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» суви ўлчаш тармоғини қайтадан қуриш билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Суви ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкциясини, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилди. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакиллариининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар суви таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал суви таъминоти ва суви чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (суви ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) суви-коммунал хўжалиқлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) суви истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Суви қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички суви узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуқтасидаги суви чиқариш кудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова кудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук суви-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси esa "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амал оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳавф тугдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;
- е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва окова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймастик, қудук қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймастик, материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймастик.
- г) коммунал сув қувури, окова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;
- е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчи”га жорий ойнинг охиригидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва окова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймастик;
- ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-окова ҳўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва окова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш окова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) окова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймастик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нарҳини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва окова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига қўра бартараф этмас;
- в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва окова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) “Таъминотчи” томонидан режалар олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва окова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;
- д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;
- е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;
- ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатилганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

- г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда зарарнинг ишини текшириш;
- д) “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;
- е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;
- ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;
- ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;
- з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

- а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;
- б) сув тармоқларида ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;
- в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда;
- г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
- д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

- а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;
- б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотида уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;
- в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;
- г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;
- д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссеик сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совук сув миқдорига 2.0 коэффиценти қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти (скважина, очик сув хавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудук, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан тутанмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлигини сўнгдириши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан қаида 7 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур. “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамгалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятдан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффиценти;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

- 6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);
- 6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;
- 6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;
- Суви ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гурӯх истеъмолчилари учун Қонданинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;
- 6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;
- 6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя копллимига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва окова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур.

Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва окова суви чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган окова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичкда акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўйилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичкда тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки окова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари окизилаётган ишлаб чиқариш окова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш окова сувларини қабул қилиш қоидалари" ҳамда инфослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортқича окизилганлиги учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Самарқанд сув таъминоти» МЧЖ

Булуғтур туман бўлими
Манзил Булуғтур ш Октепа куча 118 уй

Тел: 66 442 25 01.

/х-р 22638000300307743381

Банк Ипотека банк Самарқанд вилояти филиали

Банк коди 00312 СТИР 200613125

Бошлик _____ Б Файзиёв

М.Ў. _____ (Ф.И.Ш. имзо)
« _____ » 2022 й.

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Булуғтур

Манзил, Булуғтур ш Ўзбекистон қутаси 48 уй

Тел: 936804777 факс 93320 7803

га/х-р 23402 0003000000000

Банк 00014 СТИР 200731160

Банк коди _____ СТИР _____

XXIYТ

Шахсий рақам 100010860182067092901079002

Шахсий х-р _____

Банк _____

Банк коди _____ СТИР _____

Молия Вазирлиги ягона газна ҳисобварағи

(қоғазсиз пул ағдаси номи)

Раҳбар Мамадираева Н. Шайхон

М.Ў. _____ (Ф.И.Ш. имзо)
« _____ » 2022 й.

Юридик ҳудоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Ҳўжалик юридувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос _____

« _____ » 2022 й.